



20 20у « 1 » июль

№ Қ-297

« \_\_\_ » 20\_\_ г

**Шеробод тумани “Наврўз” массиви  
худудидан “Kafolat Qum Shag'al”  
МСНҲга ер майдони ажратиш  
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,20,34-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2020 йил 25 январдаги 03-02/65-сонли йиғилиш баёни ҳамда Шеробод туман ҳокимининг 2020 йил 16 январдаги 01-04/36-сонли хатини кўриб чиқиб,

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2020 йил 25 январдаги 03-02/65-сонли йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Шеробод тумани “Наврўз” массиви худудидан “Kafolat Qum Shag'al” МСНҲга туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 754ақ-дала контуридаги жами 2,0 гектар яйлов ер майдони “Қум тошни қайта ишлаш (гравзавод) ва газаблок цехлари”ни қуриш учун доимий фойдланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “Kafolat Qum Shag'al” МСНҲга Шеробод тумани Наврўз массиви худудидан “Қум тошни қайта ишлаш (гравзавод) ва газаблок цехлари”ни қуриш учун ажратилаётган 2,0 гектар яйлов ер майдони учун 35 214 880 (ўттиз беш миллион икки юз ўн тўрт минг саккиз юз саксон) сўм, Давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг х/р: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами (4014108609224013450717186)га, беш кун муддатда “Kafolat Qum Shag'al” МСНҲ томонидан тўлаб берилиши таъминлансин.

4. Вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев), Шеробод туман ҳокимлиги (А.Амиров) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Сувонкулов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов